

**Сана:** 5-6 июль, 2018

**Жой:** Тошкент, Ўзбекистон

Қуидаги шахслар 5-6 июль кунлари Тошкентда, Ўзбекистонда учрашдилар:

Ҳалқаро молиявий корпорация (IFC) гуруҳи: Дениз Баҳароглу, раҳбар; Лукас Кейси, раҳбар; Венлей Жоу, ижтимоий ривожланиш бўйича бош мутахассис; Виктория Миронова, ижтимоий ривожланиш бўйича мутахассис; Зафар Хошимов, IFC'нинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг бошлиғи; Умед Умаров, инвестициялар бўйича бош мутахассис; Виктория Андросова, бош хуқуқшунос; ва Дарья Павлова, инвестиция масалалари бўйича ёрдамчи.

«Медиацияга оид гуруҳи»нинг аъзолари: Елена Урлаева, Ўзбекистон инсон хуқуқлари алянси, Тошкент; Жиззахлик хуқуқ ҳимоячиси Ўқтам Пардаев; Азимбай Атаниёзов, Нукусдан, Қорақалпоғистон Автоном Республикасидан инсон хуқуқлари ҳимоячиси; Арисланбай Отепов, Нукус, Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг хуқуқ ҳимоячиси; Ҳайтбай Ёқубов, «Нажот» хуқуқ ҳимоя ташкилоти, Хива; Гулнора Файзиева, Ўзбекистон мустақил хуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи, Тошкент; Рухиддин Комилов, хуқуқ ҳимоячиси, Паркент; Зоҳиджон Зокиров, ҳалқаро инсон хуқуқлари жамияти, Наманган филиали; Шуҳрат Фаниев, инсон хуқуқлари бўйича хуқуқшунос, Бухоро гуманитар хуқуқий маркази.

САО гуруҳи: Скотт Т. Адамс, низоларни хал этиш бўйича бош мутахассис/омбудсман; Татьяна Беляева, САО'нинг медиатори; Раиса Кадырова, САО'нинг медиатори; ва Сайдбек Розиев, САО гурухининг ёрдамчиси.

Учрашув САО таклифига биноан, IFC'нинг МЧЖ «Indorama Kokand Textile» қўшма корхонаси (Индорама), ва «Ҳамкорбанк» хорижий капитал банки акциядорлик жамияти (Ҳамкорбанк) инвестициялари билан боғлиқ равишда мажбурий меҳнат хавфи тўғрисида хавотирланган Медиацияга оид гурухининг шикояти юзасидан ўтказилди.

Асосий мавзулар қуидагилардир:

- i) IFC'нинг иккала лойиҳага тегишли (тўғридан-тўғри инвестициялар ва молиявий воситачилар) экспертиза ва назорат қилиш жараёни;
- ii) IFC'нинг барқарор сиёсати, ошкор қилиш сиёсати, атроф-муҳит ва ижтимоий фаолият стандартлари ва уларни иккала лойиҳада, айниқса уларни мажбурий меҳнат ва таъминот занжири масалаларига нисбатан, қўлланилиши.

Медиацияга оид гуруҳи IFC томонидан Ҳамкорбанк ва Индорама лойиҳаларида ишлаш стандартларини қандай амалга ошираётгандиги ҳақида маълумот сўраган.

IFC «Индорама» ва «Ҳамкорбанк» дан доимий равишда мониторинг ҳисоботларини қабул қилиш ва улар томонидан олиб борилаетган фаолиятни назорат қилиш учун доимий равишда ташриф буюриш хамда муаммолар пайдо булганда уларни бартараф қилиш учун мижозлар билан учрашувлар ҳақида хабар берди.

«Индорама» лойиҳасига келсак, муҳокама қилинган асосий мавзулардан бирни IFC томонидан тайерланган хавф-хатарлар индекси эди. «Индорама» шу индексдан мажбурий меҳнат хавфи юқори бўлган жойларни аниқлаш учун фойдаланилади. IFC бир нечта манбалар, шу жумладан, расмий хукумат манбалар ва Ўзбек-Герман форуми маълумотларидан фойдаланишилигини маълум қилди. Шуҳрат Фаниев IFC фақат битта мустақил маълумот манбаси, яъни Ўзбек-Герман форумидан қўлланаетганлиги ҳақида ташвиш билдириди. IFC, бу индекс ўз ичига бир нечта манбаларни олиш имконияти ҳақида маълумот берди ва бошқа ишончли ва объектив манбалардан фойдаланишини маъқуллашини билдирган.

Медиацияга оид гуруҳи Индорама пахта (пахта толасини) сотиб оладиган туманлари/пахта тозалаш заводлари тўгрисида батавсил маълумот беришларини сўради. IFC бундай маълумотларнинг тиҷорий маҳфийлиги туфайли мижозга ушбу маълумотни бериш қийинлигини айтди.

"Ҳамкорбанк" лойиҳасига келсак, Медиацияга оид гуруҳи банк пахта ва тўқимачилик соҳаларини молиялаштиришда қайси даражада қатнашиши ва бу билан баглик бўлган хавфларни қандай камайтириш чораларни кўраетганини сўради. IFC куйдагиларни тушунтириб берди: «Ҳамкорбанк» пахта етиштиришни молиялаштиrmайди, тўқимачилик сектори кредит портфелининг кичик қисмини ташкил этади, тўқимачилик соҳасида банк мижозларининг аксарияти пахтани қайта ишлашнинг иккинчи ёки учинчи палласида иштирок этишади ва портфелдаги кийим-кечак ишлаб чиқарувчиларнинг асосий қисми бошқа турдаги хом-ашё (пахтадан эмас) ёки импорт қилинган матолардан фойдаланишади. «Ҳамкорбанк» бу нарсаларни экспертиза даврида кўриб чиқади. Банкни шунингдек тавсия килинган мижозлари бор. Бу мижозлар асосан, пахта ипини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи мижозлардир. Шу мижозларга нисбатан хам хавф-хатар индекси кулланади.

Учрашув жуда ижобий натижа билан якунланди. IFC ва Медиацияга оид гуруҳи индекс учун қўшимча маълумотларнинг киритилиши фойдали бўлишига келишиб олдилар. Томонлар доимий мулоқотни давом эттиришга келишдилар.

